

## ФОЙДАЛИ АЛОҚАЛАР:

**Россия ИИВ Муҳожирлик масалаларига оид ББнинг Москва шаҳри бўйича бошқармаси**

Муҳожирлик назорати бўлими 8 (495) 959-63-28

**Москва вилояти бўйича**

Муҳожирлик назорати бўлими 8-495-623-67-64

**Санкт-Петербург ш. ва Ленинград вилояти бўйича**

Муҳожирлик назоратини ташкил этишга оид бўлим 8 (812) 314-61-91

«мунтазам тармоқ» 8 (812) 573-30-02

**Прокуратура**

**Москва** 8 (495) 683-68-74 [mosproc.ru](http://mosproc.ru)

**Москва вилояти** 8 (495) 628-27-88 [mosoblproc.ru](http://mosoblproc.ru)

**Санкт-Петербург** 8 (812) 318-26-34 [mosspb.ru/reception](http://mosspb.ru/reception)

**Ленинград вилояти** 8 (812) 429 77 55 [prokuratura-lenobl.ru](http://prokuratura-lenobl.ru)

**Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил**

**Москвада** 8 (495) 957-05-85 <http://ombudsman.mos.ru/>

**Москва вилоятида** 8 (495) 650-20-38 <https://upch.mosreg.ru>

**Санкт-Петербургда** 8 (812) 764-00-54

<http://ombudsmanspb.ru>

**Ленинград вилоятида** 8 (812) 296-60-13

<http://www.ombudsman47.ru/>

## РФДАГИ ИЖТИМОЙ ТАШКИЛОТЛАР

**БФ «ПСП-фонд»** (Санкт-Петербургдаги муҳожирларга ҳуқуқий ёрдам)

8 (812) 337-57-85, 8 (953) 141-31-09 [www.psp-f.org](http://www.psp-f.org)

**«Гражданское содействие» комитети** (Москвадаги муҳожирларга ҳуқуқий ёрдам)

8 (495) 681 18 23 <https://refugee.ru/>

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР

**Ўзбекистон Республикаси**

**Тошкент шаҳар «Истиқболли Авлод» ижтимоий-ахборот маркази**

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Катта Миробод к, 4-проезд, 22-уй

Тел/факс: +998 71 254-12-87

Мунтазам тармоқ: +998 95 143-94-94

Наманган: +99895 301 94 94

Урганч: +99899 509 94 94

Нукус: +99895 605 94 94

Тошкент: +99895 143 94 94

[iatashkent2014@gmail.com](mailto:iatashkent2014@gmail.com)

Сайт: <http://ia.uz/>

## Тожикистон Республикаси

**«Центр по правам человека» Ижтимоий ташкилоти**

Бош идора

734000, Тожикистон Республикаси,

Душанбе ш. Валамадзода к. 8/1, кв.30

+992 37 227-51-87, +992 918 67-96-06

Юрист қабулхонаси: +992 93 300 13 93

Сайт: [www.muhojir.info](http://www.muhojir.info) Viber даги алоқа: muhojir.info

E-mail: [hrc.tajikistan@gmail.com](mailto:hrc.tajikistan@gmail.com)

**«Ғамхори» Ижтимоий ташкилоти**

Тожикистон Республикаси, Хатлон вилояти,

Бохтар (Қўрғонтепа) ш, Космонавтлар к., 42/46.

+992 918 88-61-88

E-mail: [bahodur9166@mail.ru](mailto:bahodur9166@mail.ru)

**Қирғизистон Республикаси**

«Ресурсный центр для пожилых» Ижтимоий ташкилоти

Бишкек: +996 770 89-18-06, [kyrgyzstan.rce@gmail.com](mailto:kyrgyzstan.rce@gmail.com)

**ҚРдаги муҳожирлик масалаларига оид маҳаллий ижтимоий кенгашлар(МИК):**

1. Иссиққўл вилояти, Қорақўл ш, Ленин к. 152

+996 778 013216; +996 704 013216

2. Талас вилояти, Талас ш., Бердике Ботир к, 198-уй, 5-х.

+996 556 600 295

3. Жалолобод вилояти, Багиш қ. Гагарин к. 60

+996 552 663122; + 996 772 663122

**ОФ «Центр Содействия Международной Защите»**

Қирғизистон Республикаси, Ўш ш, Мичурин к. 9.

+996 3222 44-9-60, +996 3222 44-0-69

[center.sip@gmail.com](mailto:center.sip@gmail.com) Сайт: [www.csip.kg](http://www.csip.kg)

## ФОЙДАЛИ АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ

**migrussia.ru** - «Мигранты и миграция. Межрегиональный информационный портал»: мослашиш ва ҳуқуқий кўмак олиш бо-расидаги маслаҳатлар

**МигрАзия+** – меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзолари — ЕОИХ ва МДХ фуқаролари учун мобил илова (Android учун)

Ответственность за нарушение миграционного законодательства РФ.  
Отмена запрета на въезд в РФ (на узбекском языке)

Буклет разработан БФ «ПСП-фонд»

Авторы-составители: Якимов А.Н., Ефимова О.Б.

Тираж 2000 экз.

Публикация подготовлена в рамках проекта «Развитие сотрудничества некоммерческих организаций России и Средней Азии, направленного на адаптацию и интегрирование мигрантов в правовое и культурное поле Российской Федерации», реализуемого с использованием гранта Президента Российской Федерации на развитие гражданского общества, предоставленного Фондом президентских грантов.



# РФ муҳожирлик қонунчилигини бузиш учун масъулият

# РФ га кириш таъқиқини бекор қилиш

Меҳнат  
муҳожирига ёрдам

2019

Чет эллик фуқаролар томонидан муҳожирлик борасидаги қонунлар бузилиши учун қатъий жавобгарлик белгиланган. Сиз Россия қонунчилигига риоя қилишингиз ва ҳар қандай қонунбузишларга йўл қўймаслигингиз зарур!

## 1. РФ ГА КИРИШГА ИЖОЗАТ БЕРМАСЛИК:

Агар Сизда: тиббиёт суғурта полиси, ёки бекор қилинмаган судланганлик, ё РФ да тўланмаган ҳисоблар, солиқлар ва жарималар бўлса **Сизни РФ га киритмасликлари мумкин.**

**РФ га кириш 3 йилга таъқиқланиши мумкин**, агар Сиз:

- Россияда ишлаш учун ҳужжатларни расмийлаштирмадан 180 кеча-кундузлик даврда умумий ҳисоблаганда 90 суткадан кўпроқ турган бўлсангиз;
- 2 ва ундан кўп маъмурий қонун бузишни содир этган ва бунинг учун 3 йил давомида жаримага тортилган бўлсангиз;
- РФда қонуний туриш муддатидан 30 суткадан ортиқ турган бўлсангиз.

**РФ га кириш 5 йилга таъқиқланиши мумкин**, агар Сиз:

- 1 йил давомида муҳожирлик режимини 2 марта ва ундан кўп бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлсангиз;
- РФ да 180 дан 270 суткагача ноқонуний турган бўлсангиз;
- РФ дан чиқариб юбориш пайтидан бошлаб.

**РФ га кириш 10 йилга таъқиқланиши мумкин**, агар Сиз:

- РФда 270 суткадан кўпроқ ноқонуний турган бўлсангиз.

**! Агар Сиз муҳожирлик қайдига қўйиш ё ишга расмийлаштиришда воситачиларга мурожаат этган бўлсангиз, Сизга қалбаки ҳужжатлар қилиб беришлари мумкин ва Сиз РФ га кириш учун таъқиқ ҳолатига тушишингиз мумкин!**

**Сизга муҳожирлик хизмати йўли билан кириш учун таъқиқ қўйилгани борасида** Россия авиаширкатлари ваколатдорликларида, ёки Россия ИИВ ММББнинг куйидаги сайтидан: <http://services.fms.gov.ru/info-service.htm?sid=3000> билишингиз мумкин.

## Кириш учун таъқиқни бекор қилиш

Куйидаги ҳолатларда Россияга кириш учун таъқиқ бекор қилиниши мумкин:

- агар Сиз беморлик сабабли, бемор қариндошингизга қараб турганингиз ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда белгиланган муддатларда Россиядан чиқиб кета олмаганингизни исботласангиз;
- агар Сизнинг оила аъзоларингиз – (эр/хотин, болалар) РФ фуқаролари бўлсалар;
- муҳожирлик амнистияси – амнистия шартлари ва муддатлари РФ ва фуқаро келган мамлакат ўртасидаги битимларда аниқланади;

- агар қарор хато туфайли чиқарилган бўлса;
- кириш учун таъқиқ муддати тугаган бўлса;
- кириш учун таъқиқ сабаблари бартараф этилган бўлса.

РФга кириш учун таъқиқни Россия ИИВи Муҳожирлик масалалари бош бошқармасига мурожаат этиб бекор қилиш мумкин.

**Кириш учун таъқиқ сабаблари борасида қуйидаги сайтга** - [https://mvd.pf/request\\_main](https://mvd.pf/request_main) сўров бериш мумкин.

**Кириш учун таъқиқни қайта кўриш учун аризани** Россия ИИВ сайтидаги формадан фойдаланиб электрон кўришда жўнатиш мумкин: [https://mvd.pf/request\\_main](https://mvd.pf/request_main), ё РФ ИИВининг Россияга кириш таъқиқи борасида қарор чиқарган ҳудудий Муҳожирлик масалалари бўйича бош бошқармасига бериш мумкин.

Аризага таъқиқни бекор қилиш учун асосни тасдиқлайдиган ҳужжатларни илова қилиш зарур: РФ фуқаролари бўлган болаларнинг туғилиш гувоҳномалари, никоҳ қайдига оид гувоҳнома, беморлик ҳақида маълумотлар ва ҳоказо.

РФга кириш таъқиқини қайта кўриб чиқиш рад этилганда, киришни таъқиқлаган Муҳожирлик масалалари бўйича бошқарма мавжуд бўлган жойдаги судга шикоят қилиш мумкин. Шикоят аризасини шахсан ё қонуний вакил ёки адвокат ёрдамида бериш мумкин.

## 2. МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Сизни 5000-7000 рубл жаримага тортишлари ё РФ дан чиқариб юборишлари мумкин, агар Сиз:

- қайдни расмийлаштирмаган бўлсангиз (муҳожирлик қайдига қўйишга оид билдирув);
- полисия ушлаган ҳолатда зарур ҳужжатларингиз бўлмаганда;
- муҳожирлик картасида келишдан мақсад ҳақида ёлғон ишлатганингизда;
- зарур ҳужжатларсиз ишлаганингизга ёки патентда кўрсатилган мутахассислик бўйича ишламаганингизда;
- муҳожирлик қайдига қўйиш пайтида ёлғон маълумотлар кўрсатганингизда.

Муҳожирликка оид маъмурий жавобгарлик учун жазони суд белгилайди. Суд мажлисида Сиз ҳимоячи хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эгасиз. Сизнинг талабингизга кўра Сизга таржимон беришлари зарур. Сизга суд қарорини Сиз учун тушунарли тилда беришлари зарур. Сиз суд қарори устидан ёзма ечимни олган пайтингиздан бошлаб 10 кун давомида шикоят қилишингиз мумкин. РФдан чиқариб юбориш мустақил чиқиб кетиш йўли билан – РФ ИИВ ММБ маълумотномасига кўра чет эллик фуқаро ҳисобига амалга оширилади.

Агар Сизда шахсни тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, ё қайддан ўтмаган бўлсангиз, ёки қайта ҳуқуқбузарлик қилган бўлсангиз, Суд Сизни ЦВСИГ( хорижий фуқароларни вақтинча сақлаш маркази)га жойлаштириш ҳақида қарор чиқариши мумкин.

Агар Сизни ЦВСИГга жойлаштирган бўлсалар – ўз ҳужжатларингизни мумкин қадар тезроқ тиклашга ҳаракат қилинг: агар чет эллик кишининг шахси ва фуқаролигини аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолатда ЦВСИГда бўлиш 2 йилгача давом этиши мумкин. Албатта ўз мамлакатингиз элчихонаси ё консуллиги билан боғланинг ёки ижтимоий ташкилотларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун мурожаат этинг.

**Санкт-Петербургу ва Ленинград вилоятидаги ЦВСИГ:** Красное Село, Кингисепп шоссеси, 53А, 8 (812) 749-90-29, 8 (812) 749-90-34, 8 (812) 417-29-48 [suvsig-spb@mail.ru](mailto:suvsig-spb@mail.ru)

**Ленинград вилояти бўйича ЦВСИГ:** Ленинград вилояти, Гатчина шаҳри, Мариенбург, саноат минтақаси, 2, 3- мавзе, директор телефони: 8 (813) 716-00-94

**Москва бўйича ЦВСИГ:** Варшава шоссеси, 64-км, Вороново посёлкаси, Сахарово қишлоғи, 8 (495) 633-32-83.

**Москва вилояти бўйича ЦВСИГ:** Егорьевск шаҳри, Костилёво қишлоғи, 107, 8 (496) 405-63-07

ЦВСИГга жойлаштириш ҳолатда Сизга Ижтимоий назорат комиссияси (ИНК) ёрдам бериши мумкин. ИНК аъзолари чет эллик фуқароларини сақлаш шартларини текшириш ҳуқуқига эгадирлар ва Сизга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатишлари мумкин.

**Ижтимоий назорат комиссияси**

**Санкт-Петербург:** [onkspb.ru](http://onkspb.ru), [mail@onkspb.ru](mailto:mail@onkspb.ru), 8 (931) 352-06-35

**Ленинград вилояти:** [leningradskajaoblast.onk.su](http://leningradskajaoblast.onk.su) 8 (911) 955-08-52

**Москва:** [onk-moscow.ru](http://onk-moscow.ru) 8 (495) 228-07-50

**Москва вилояти:** [moskovskajaoblast.onk.su](http://moskovskajaoblast.onk.su) 8 (916) 675-80-85

## 3. ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК

Қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш ва уларни тайёрлаш учун чет эллик фуқаролар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ҳужжатни қалбакилаштириш 2 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ё чеклаш билан жазоланади. Қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш 80 минг рублга жаримага тортиш ё 6 ой муддатга ҳибсга олиш билан жазоланади (РФ ЖК 327- моддаси).

Ўзига таъқиқ қўйилгани билан ҳолда чет эллик фуқаронинг РФ чегарасини кесиб ўтиши 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки 300 минг рублга ҳажмда жаримага тортиш билан жазоланади (РФ ЖК 322-моддаси).